ҚҲММБ: 09/18/439/1342-сон
12.06.2018 й.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ

ПОСТАНОВЛЕНИЕ
КАБИНЕТА МИНИСТРОВ
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

„11“ июнь 2018 й. г. № 439 Тошкент ш. – г. Ташкент

**Наманган вилояти Косонсой тумани аҳолисининг бандлигини таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида**

Наманган вилоятининг Косонсой туманида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш ва ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш, туризмни жадал ривожлантириш, маданий ва археология мероси объектларининг муҳофаза этилишини таъминлаш, аҳоли, айниқса, ёшлар ва хотин-қизлар бандлигини таъминлаш, аҳолининг турмуш даражаси ва сифатини янада ошириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади**:

1. Қуйидагилар:

Наманган вилоятининг Косонсой туманида 2018-2019 йилларда кафолатли иш ўринларини ташкил этиш ҳамда саноат, хизматлар соҳаси ва қишлоқ хўжалигини ривожлантириш лойиҳаларининг манзилли рўйхати 1-иловага мувофиқ;

Наманган вилоятининг Косонсой туманида 2018-2019 йилларда туризмни жадал ривожлантириш ва инфратузилма объектларини барпо этиш лойиҳаларининг манзилли рўйхати 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Наманган вилояти ҳокимлиги:

Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси, манфаатдор давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, тижорат банклари, лойиҳаларнинг ташаббускорлари билан биргаликда тасдиқланган манзилли рўйхат параметрлари сўзсиз бажарилишини таъминласин ва бу борада лойиҳаларнинг ўз вақтида ва сифатли амалга оширилишини, ишлаб чиқаришнинг мўлжалланган ҳажмлари ўзлаштирилишини ва янги иш ўринлари ташкил этилишини назарда тутсин;

муаммоли масалаларни мунтазам равишда кўриб чиқиб, уларни ҳал этиш юзасидан тезкор ва амалий зарур чора-тадбирларни амалга оширган ҳолда, лойиҳалар бажарилиши юзасидан тизимли мониторинг олиб борсин;

қарорда белгиланган вазифаларни ўз вақтида ва самарали амалга оширилиши учун жамоат назоратининг самарали усулларидан фойдаланиш

ва эришилган натижаларни кенг оммага таркатишда лойиҳа ташаббускорлари жойлашган ҳудуддаги фукароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан ҳамкорликни ташкил этсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитасига Наманган вилояти ҳокимлиги ва хизмат кўрсатувчи тижорат банклари билан келишган ҳолда, лойиҳанинг қийматини ва иш ўринлари сонини сақлаб қолиш шарти билан лойиҳаларнинг тасдиқланган манзилли рўйхатига, заруратга кўра, ўзгартиришлар киритиш ҳуқуқи берилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги Наманган вилояти ҳокимлиги билан биргаликда Косонсой туманининг маҳаллалари бўйича 2018-2019 йилларда ҳақ тўланадиган жамоат ишларини ташкил қилиш, ишсизларни касбга тайёрлашнинг манзилли дастурини бир ой муддатда ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

5. Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси, Фанлар академияси ва Наманган вилояти ҳокимлиги билан биргаликда "Муғтепа Косон шаҳарчаси" археология мероси объектларини муҳофаза қилиш ва тадқиқот ўтказиш учун ёдгорлик мажмуасини барпо этиш, унинг таркибида археологик топилмаларни ўрганиш ва уларнинг илмий-тарихий концепциясини ишлаб чиқиш, музей ва ахборот-ресурс марказини ташкил этишни назарда тутувчи Ҳукумат қарори лойиҳасини икки ой муддатда ишлаб чиқиб, Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги икки ой муддатда:

соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш мақсадида умумтаълим мактабларида оммавий спорт машғулотларини ўтказиш ва спорт секцияларини ташкил этиш, мактаб соатларидан ташқари жисмоний тарбия дарсларини ўтказиш;

умумтаълим мактабларида таътил давомида ташкил этилган "Ёзги соғломлаштириш оромгоҳи" ва "Ёзги соғломлаштириш майдончаси"да жисмоний тарбия ва қизиқарли спорт-мусобақа машғулотлари ўтказиш;

умумтаълим мактабларининг ахборот-ресурс марказларининг кутубхона фондини бадиий, тарихий, оммавий ва бошқа адабиётлар билан тўлдириш чора-тадбирлари режасини ишлаб чиқиб тасдиқласин.

7. Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси ва Наманган вилояти ҳокимлиги билан биргаликда халқаро молия институтларининг кредит ва заём маблағлари ҳисобига Косонсой туманида ичимлик сув таъминоти ҳамда оқава сув тармоқларини қуриш ва реконструкция қилиш бўйича уч ой муддатда таклифлар ишлаб чиқсин ва 2019 йилги Ўзбекистон Республикасини ривожлантириш давлат дастурлари доирасида амалга оширсин.

8. Наманган вилояти ҳокимлиги, тегишли секторларнинг раҳбарлари Наманган вилоятининг Косонсой туманида ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар амалга оширилишини комплекс ўрганиш якунлари бўйича тасдиқланган "йўл хариталари" сўзсиз бажарилиши устидан амалий назоратни таъминласинлар.

ҚҲММБ: 09/18/439/1342-сон
12.06.2018 й.



9. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари – “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ бошқаруви раиси А.Ж. Раматов, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари – молия вазири Ж.А. Қўчқоров ва Наманган вилояти ҳокими Х.Ҳ. Бозаров зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг**
**Бош вазири** **А. Арипов**

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASI
UMUMIY BO'LIM № 3

ҚҲММБ: 09/18/439/1342-сон
12.06.2018 й.

Вазирлар Маҳкамасининг
2018 йил "11" июндаги 439-сон қарорига
1-илова

**Наманган вилоятининг Косонсой туманида 2018-2019 йилларда кафолатли иш ўринларини ташкил этиш ҳамда саноат, хизматлар соҳаси ва қишлоқ хўжалигини ривожлантириш лойиҳаларининг**
**МАНЗИЛЛИ РЎЙХАТИ**

| Т/р | Лойиҳа ташаббускори | Лойиҳа йўналиши | Лойиҳанинг умумий қиймати, *млн.сўм* | шу жумладан, молиялаштириш манбаи | | | Хизмат кўрсатувчи банк | Ишга тушириш муддати | Яратиладиган иш ўрни |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | ўз маблағи | банк кредити | хорижий инвестиция *минг долл.* | | | |
| **ЖАМИ 101 та лойиҳа** | | | **193 630** | **71 186** | **72 224** | **6 200** | | | **974** |
| 1 | **Саноат лойиҳалари** (*жами лойиҳа сони - 35 та*) | | **146 650** | **35 851** | **60 579** | **6 200** | | | **541** |
| 2 | **Хизмат кўрсатиш лойиҳалари** (*жами лойиҳа сони - 46 та*) | | **23 230** | **19 185** | **4 045** | | | | **253** |
| 3 | **Қишлоқ хўжалиги лойиҳалари** (*жами лойиҳа сони - 20 та*) | | **23 750** | **16 150** | **7 600** | | | | **180** |
| **I. САНОАТ ЛОЙИҲАЛАРИ** | | | | | | | | | |
| 1 | "Қамар текс" МЧЖ | Сочиқ маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш | 1 800 | 300 | 1 500 | | "Агробанк" АТБ | 01.09.2018 | 20 |
| 2 | "Spring Pharmaceutic" МЧЖ | Дори воситаларини ишлаб чиқариш | 36 300 | 7 000 | 5 000 | 3 000 | "Асака банк" АТБ | 01.09.2018 | 40 |
| 3 | "Орентал Гармент текстил" МЧЖ | Трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш | 1 500 | 1 500 | | | "Инвест финанс банк" АТБ | 01.09.2018 | 20 |
| 4 | "Голд лезер экспорт импорт" МЧЖ | Тери маҳсулотларини қайта ишлашни кенгайтириш | 3 430 | 1 000 | | 300 | "Ипак йўли банк" АТБ | 01.08.2018 | 30 |
| 5 | "Соҳиби ҳиммат" ХК | Қурилиш ғишти ишлаб чиқаришни ташкил этиш | 300 | 100 | 200 | | "Ипак йўли банк" АТБ | 01.08.2018 | 3 |
| 6 | "Истиқлол купон текс" МЧЖ | Тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ташкил этиш | 1 300 | 300 | 1 000 | | "Ипак йўли банк" АТБ | 01.08.2018 | 8 |

ҚҲММБ: 09/18/439/1342-сон
12.06.2018 й.

| Т/р | Лойиҳа ташаббускори | Лойиҳа йўналиши | Лойиҳанинг умумий қиймати, *млн.сўм* | шу жумладан, молиялаштириш манбаи | | | Хизмат кўрсатувчи банк | Ишга тушириш муддати | Яратиладиган иш ўрни |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | ўз маблаги | банк кредити | хорижий инвестиция *минг долл.* | | | |
| 7 | Фуқаро Тошпўлатова Марҳабо | Тикувчилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ташкил этиш | 150 | 80 | 70 | | "Ипак йўли банк" АТБ | 01.08.2018 | 5 |
| 8 | "Vika Velo Servic" МЧЖ | Тикувчилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ташкил этиш | 100 | 60 | 40 | | "Ипак йўли банк" АТБ | 01.08.2018 | 5 |
| 9 | "Соф сифат текстил" МЧЖ | Калава ип ва момиқ сочиқ ишлаб чиқаришни кенгайтириш | 3 000 | 3 000 | | | "Капитал банк" АТБ | 01.08.2018 | 30 |
| 10 | "Ostona nuri" ХФ | Ёгоч қурилиш конструкциялари ва дурадгорлик буюмлари ишлаб чиқаришни ташкил этиш | 400 | 200 | 200 | | "Микрокредитбанк" АТБ | 01.12.2018 | 10 |
| 11 | "Косонсой авто сервис" МЧЖ | Трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ташкил этиш | 1 450 | 500 | 950 | | "Микрокредитбанк" АТБ | 01.08.2018 | 20 |
| 12 | "Саховатли гулобод савдо" МЧЖ | Сочиқ маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш | 1 500 | 550 | 950 | | "Микрокредитбанк" АТБ | 01.10.2018 | 10 |
| 13 | "Абдулносир Абдулазиз савдо сервис" МЧЖ | Мих ва шуруп (саморез)лар ишлаб чиқаришни ташкил этиш | 500 | 200 | 300 | | "Микрокредитбанк" АТБ | 01.08.2018 | 10 |
| 14 | "Косонсой Қурилиш Инвест" МЧЖ | Сочиқ маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш | 1 350 | 400 | 950 | | "Микрокредитбанк" АТБ | 01.09.2018 | 6 |
| 15 | "Нурли ҳаёт текстил" МЧЖ | Тикувчиликни ривожлантириш учун сочиқ ва бўз мато маҳсулотларини ишлаб чиқариш | 250 | 100 | 150 | | "Микрокредитбанк" АТБ | 01.11.2018 | 20 |
| 16 | "Барака савдо қурилиш инвест" МЧЖ | Трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ташкил этиш | 550 | 250 | 300 | | "Микрокредитбанк" АТБ | 01.10.2018 | 15 |
| 17 | "Заковат соф қоғози" МЧЖ | Тухум кутилари (флейка) ишлаб чиқаришни ташкил этиш | 500 | 100 | 400 | | Ўзмиллийбанк | 01.04.2019 | 10 |
| 18 | "Evroplast Kosonsoy" МЧЖ | Пластмасса плиталар, тасмалар, қувурлар ва профиллар ишлаб чиқаришни ташкил этиш | 500 | 300 | 200 | | Ўзмиллийбанк | 01.12.2018 | 10 |
| 19 | "Гулобод Текс" МЧЖ | Сочиқ маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш | 500 | 200 | 300 | | Ўзмиллийбанк | 01.09.2018 | 4 |

ҚҲММБ: 09/18/439/1342-сон
12.06.2018 й.



| Т/р | Лойиҳа ташаббускори | Лойиҳа йўналиши | Лойиҳанинг умумий қиймати, *млн.сўм* | шу жумладан, молиялаштириш манбаи | | | Хизмат кўрсатувчи банк | Ишга тушириш муддати | Яратиладиган иш ўрни |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | ўз маблағи | банк кредити | хорижий инвестиция *минг долл.* | | | |
| 20 | "Косонсой серҳосил интенсив боғлари" МЧЖ | Мева-сабзавотларни қайта ишлаш орқали шарбат (сок) ишлаб чиқаришни ташкил этиш (1-босқич) | 17 000 | 3 538 | 13 462 | | Ўзмиллийбанк | 01.11.2018 | 50 |
| 21 | "Косонсой серҳосил интенсив боғлари" МЧЖ | Меваларни қайта ишлаб, ўзининг шарбатида замонавий металл банкаларга қадоқлаш ишлаб чиқаришини ташкил этиш (2-босқич) | 30 000 | 5 943 | 24 057 | | Ўзмиллийбанк | 01.12.2019 | 20 |
| 22 | "Комил яшил" МЧЖ | Тикув-трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ташкил этиш | 25 250 | 5 000 | | 2 500 | Ўзмиллийбанк | 01.07.2019 | 30 |
| 23 | "Косонсой мадор текс" МЧЖ | Сочиқ ва трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш | 1 500 | 200 | 1 300 | | Ўзмиллийбанк | 01.06.2019 | 10 |
| 24 | "Косонсой таъмирлаш заводи" МЧЖ | Ипни қайта ишлаш ва бўяш ҳамда момик сочиқ маҳсулотлари шлаб чиқаришни ташкил этиш | 4 100 | 700 | 3 400 | | "Турон банк" АТБ | 01.08.2018 | 20 |
| 25 | "Абдувосит Умаров қурилиш савдо" ХК | Бетон ғишт маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ташкил этиш | 180 | 80 | 100 | | "Ўзсаноатқурилиш банк" АТБ | 01.11.2018 | 5 |
| 26 | "Азам инвест қурилиш таъмир" МЧЖ | Нон ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ташкил этиш | 650 | 300 | 350 | | "Халқ банки" АТБ | 01.08.2018 | 10 |
| 27 | "Жар Кушон текстил" МЧЖ | Сочиқ маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш | 200 | 100 | 100 | | "Ҳамкорбанк" АТБ | 01.09.2018 | 5 |
| 28 | "Чашмаи Сафед Газ" МЧЖ | Сочиқ ишлаб чиқаришни ташкил этиш | 5 000 | 1 250 | 3 750 | | "Ҳамкорбанк" АТБ | 01.11.2018 | 35 |
| 29 | "Водий улгуржи саноат савдо" МЧЖ | Тиббий ускуналар, тиббий лаборатория диагностикумлари ишлаб чиқаришни ташкил этиш | 2 730 | 300 | | 300 | "Агробанк" АТБ | 01.09.2018 | 20 |
| 30 | "Комил Ором" МЧЖ | Матрас, ёстиқ ва бошқа тайёр маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ташкил этиш | 300 | 100 | 200 | | "Микрокредитбанк" АТБ | 01.08.2018 | 20 |
| 31 | "Хожи Акбар" МЧЖ | Сочиқ маҳсулотлари ишлаб чиқариш кенгайтириш | 1 200 | 200 | 1 000 | | "Микрокредитбанк" АТБ | 01.09.2018 | 10 |
| 32 | "Одил саноат" ХК | Қурилиш материаллари ишлаб чиқаришни ташкил этиш | 250 | 100 | 150 | | "Асака банк" АТБ | 01.08.2018 | 5 |

ҚҲММБ: 09/18/439/1342-сон
12.06.2018 й.



| Т/р | Лойиҳа ташаббускори | Лойиҳа йўналиши | Лойиҳанинг умумий қиймати, *млн.сўм* | шу жумладан, молиялаштириш манбаи | | | Хизмат кўрсатувчи банк | Ишга тушириш муддати | Яратиладиган иш ўрни |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | ўз маблағи | банк кредити | хорижий инвестиция *минг долл.* | | | |
| 33 | "Марказлашган хўжалик ҳисобидаги база" МЧЖ | Мева-сабзавотларни қайта ишлаш (куритиш)ни ташкил этиш | 1 210 | 400 | | 100 | "Агробанк" АТБ | 01.11.2018 | 10 |
| 34 | "Ўрикзор Кувончи" ХК | Болалар пойабзали ишлаб чиқаришни ташкил этиш | 600 | 500 | 100 | | "Ўзсаноатқурилиш банк" АТБ | 01.11.2018 | 5 |
| 35 | "Косонсой-Ал Азиз" МЧЖ | Пойабзал ишлаб чиқаришни ташкил этиш | 1 100 | 1 000 | 100 | | "Ўзсаноатқурилиш банк" АТБ | 01.11.2018 | 10 |
| **Жами:** | | | **146 650** | **35 851** | **60 579** | **6 200** | | | **541** |
| **II. ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ЛОЙИҲАЛАРИ** | | | | | | | | | |
| 1 | "Кас Муҳаммадали" ХК | Дам олиш маркази ва меҳмонхона ташкил этиш | 450 | 300 | 150 | | "Агробанк" АТБ | 01.09.2018 | 5 |
| 2 | ЯТТ Якубов Сардор | Автомобилларга техник хизмат кўрсатишни ташкил этиш | 65 | 15 | 50 | | "Агробанк" АТБ | 01.08.2018 | 3 |
| 3 | "НМП Азия келажаги" ХК | Маиший хизмат кўрсатишни ташкил этиш | 100 | 40 | 60 | | "Агробанк" АТБ | 01.08.2018 | 4 |
| 4 | "Oriental Garment Textiles" МЧЖ | Маиший хизматлар кўрсатишни ташкил этиш | 350 | 350 | | | "Инвест финанс банк" АТБ | 01.12.2018 | 10 |
| 5 | "Боғишамол тран сервис" МЧЖ | Транспорт хизматларини ташкил этиш | 400 | 100 | 300 | | "Инвест финанс банк" АТБ | 01.08.2018 | 3 |
| 6 | "Group optimal distribution" МЧЖ | Транспорт хизматларини ташкил этиш | 400 | 80 | 320 | | "Ипак йўли банк" АТБ | 01.08.2018 | 3 |
| 7 | Фуқаро Нарзуллаев Алишер Насибжонович | Хизмат кўрсатиш шохобчасини ташкил этиш | 115 | 30 | 85 | | "Ипак йўли банк" АТБ | 01.08.2018 | 2 |
| 8 | ЯТТ Ботиров Азизхўжа | Замонавий босмахона (кенг форматли) ташкил этиш | 100 | 50 | 50 | | "Ипотека банк" АТБ | 01.12.2018 | 3 |

ҚҲММБ: 09/18/439/1342-сон
12.06.2018 й.

| Т/р | Лойиҳа ташаббускори | Лойиҳа йўналиши | Лойиҳанинг умумий қиймати, *млн.сўм* | шу жумладан, молиялаштириш манбаи | | | Хизмат кўрсатувчи банк | Ишга тушириш муддати | Яратиладиган иш ўрни |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | ўз маблағи | банк кредити | хорижий инвестиция *минг долл.* | | | |
| 9 | "Bebaxo mulk diyori" МЧЖ | Хизмат кўрсатиш шохобчаларини ташкил этиш | 250 | 100 | 150 | | "Ипотека банк" АТБ | 01.12.2018 | 6 |
| 10 | "Мадинаи Муборак" ХК | Меҳмонхона, маиший хизматлар ва туристик агентлигини ташкил этиш | 3 000 | 2 500 | 500 | | "Қишлоқ қурилиш банк" АТБ | 01.12.2018 | 15 |
| 11 | Фуқаро Абдуазизов Муҳаммадхон | Дам олиш маскани (енгил типдаги) ташкил этиш | 600 | 600 | | | "Микрокредитбанк" АТБ | 01.08.2018 | 5 |
| 12 | Фуқаро Муҳаммадиев Муҳриддин | Маиший хизмат кўрсатиш ва кафе ташкил этиш | 450 | 450 | | | "Микрокредитбанк" АТБ | 01.08.2018 | 5 |
| 13 | Фуқаро А.Мамадалиев | Савдо,соғломлаштириш ва маиший хизмат кўрсатиш комплексини ташкил этиш | 950 | 950 | | | "Микрокредитбанк" АТБ | 01.08.2018 | 10 |
| 14 | Фуқаро Файзуллаева Ҳанифа | Савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчасини ташкил этиш | 600 | 600 | | | "Микрокредитбанк" АТБ | 01.08.2018 | 4 |
| 15 | Фуқаро Эшонов Муҳаммадхон | Савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчасини ташкил этиш | 500 | 500 | | | "Микрокредитбанк" АТБ | 01.08.2018 | 4 |
| 16 | Фуқаро Маматов Муйдинхон | Савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчасини ташкил этиш | 500 | 500 | | | "Микрокредитбанк" АТБ | 01.08.2018 | 4 |
| 17 | Фуқаро Азизов Машарифхон | Маиший хизмат кўрсатиш шохобчасини ташкил этиш | 350 | 350 | | | "Микрокредитбанк" АТБ | 01.08.2018 | 4 |
| 18 | Фуқаро О.Ваххобов | Ёшлар учун дам олиш марказини ташкил этиш | 800 | 800 | | | "Микрокредитбанк" АТБ | 01.08.2018 | 5 |
| 19 | Фуқаро Сатторова Малика | Умумий овқатланиш шохобчасини ташкил этиш | 500 | 500 | | | "Микрокредитбанк" АТБ | 01.11.2018 | 6 |
| 20 | Фуқаро Юсупов Азамхон | Савдо мажмуасини ташкил этиш | 1 800 | 1 800 | | | "Микрокредитбанк" АТБ | 01.08.2018 | 25 |
| 21 | Фуқаро Парпиева Раъно | Савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчасини ташкил этиш | 450 | 450 | | | "Микрокредитбанк" АТБ | 01.08.2018 | 5 |

ҚҲММБ: 09/18/439/1342-сон
12.06.2018 й.



| Т/р | Лойиҳа ташаббускори | Лойиҳа йўналиши | Лойиҳанинг умумий қиймати, *млн.сўм* | шу жумладан, молиялаштириш манбаи | | | Хизмат кўрсатувчи банк | Ишга тушириш муддати | Яратиладиган иш ўрни |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | ўз маблағи | банк кредити | хорижий инвестиция *минг долл.* | | | |
| 22 | Фуқаро Мирзаев Мелихон | Савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчасини ташкил этиш | 500 | 500 | | | "Микрокредитбанк" АТБ | 01.08.2018 | 5 |
| 23 | "Уста Рахимбой" ХК | Автомобилларга техник хизмат кўрсатишни ташкил этиш | 500 | 250 | 250 | | "Микрокредитбанк" АТБ | 01.08.2018 | 6 |
| 24 | Фуқаро Набиев Баходир | Савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчасини ташкил этиш | 420 | 420 | | | "Микрокредитбанк" АТБ | 01.08.2018 | 5 |
| 25 | Фуқаро Холмирзаев Нуриллю | Савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчасини ташкил этиш | 420 | 420 | | | "Микрокредитбанк" АТБ | 01.08.2018 | 5 |
| 26 | Фуқаро Бабаев Шухрат | Савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчасини ташкил этиш | 420 | 420 | | | "Микрокредитбанк" АТБ | 01.08.2018 | 5 |
| 27 | Фуқаро Хабибуллаева Гулнора | Савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчасини ташкил этиш | 450 | 450 | | | "Микрокредитбанк" АТБ | 01.08.2018 | 4 |
| 28 | Фуқаро Абдукаххорова Нигора | Савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчасини ташкил этиш | 500 | 500 | | | "Микрокредитбанк" АТБ | 01.08.2018 | 4 |
| 29 | Фуқаро Каримов Фарходхон | Савдо хизматини ташкил этиш | 800 | 800 | | | "Микрокредитбанк" АТБ | 01.08.2018 | 5 |
| 30 | Фуқаро Абдуллаева Матлуба | Савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчасини ташкил этиш | 450 | 450 | | | "Микрокредитбанк" АТБ | 01.12.2018 | 5 |
| 31 | Фуқаро Гайбуллаева Равзажон | Савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчасини ташкил этиш | 450 | 450 | | | "Микрокредитбанк" АТБ | 01.12.2018 | 5 |
| 32 | Фуқаро Бозоров Муминжон | Савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчасини ташкил этиш | 420 | 420 | | | "Микрокредитбанк" АТБ | 01.08.2018 | 5 |
| 33 | Фуқаро М.Муллахужаев | Савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчасини ташкил этиш | 600 | 600 | | | "Микрокредитбанк" АТБ | 01.08.2018 | 4 |
| 34 | Фуқаро Мамажонова Манзура | Маиший хизмат кўрсатиш шохобчаси ташкил этиш | 350 | 350 | | | "Микрокредитбанк" АТБ | 01.08.2018 | 4 |

ҚҲММБ: 09/18/439/1342-сон
12.06.2018 й.



| Т/р | Лойиҳа ташаббускори | Лойиҳа йўналиши | Лойиҳанинг умумий қиймати, *млн.сўм* | шу жумладан, молиялаштириш манбаи | | | Хизмат кўрсатувчи банк | Ишга тушириш муддати | Яратиладиган иш ўрни |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | ўз маблағи | банк кредити | хорижий инвестиция *минг долл.* | | | |
| 35 | Фукаро Халимов Рауфжон | Савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчаси ташкил этиш | 650 | 650 | | | "Микрокредитбанк" АТБ | 01.08.2018 | 4 |
| 36 | "А Темурий" хусусий корхонаси | Умумий овқатланиш маскани ташкил этиш | 130 | 50 | 80 | | "Микрокредитбанк" АТБ | 01.12.2018 | 5 |
| 37 | "Зилола обод гузари" МЧЖ | Умумий овқатланиш маскани ташкил этиш | 250 | 150 | 100 | | "Микрокредитбанк" АТБ | 01.12.2018 | 7 |
| 38 | "Гиппократ" ХК | Тиббий диагностика марказини ташкил этиш | 150 | 50 | 100 | | "Микрокредитбанк" АТБ | 01.11.2018 | 2 |
| 39 | ЯТТ Норбутаев Сайдулло | Маҳалла гузарини ташкил этиш | 420 | 250 | 170 | | "Микрокредитбанк" АТБ | 01.12.2018 | 3 |
| 40 | "Равот арофирма" МЧЖ | Сунъий қопламали спорт майдончаси ва маҳалла гузарини ташкил этиш | 550 | 350 | 200 | | Ўзмиллийбанк | 01.11.2018 | 5 |
| 41 | "Баркамол вет сервис" МЧЖ | Ветеринария хизматини ташкил этиш | 500 | 100 | 400 | | "Турон банк" АТБ | 01.09.2018 | 5 |
| 42 | "Турон тиббиёт" МЧЖ | Шифохона фаолиятини кенгайтириш | 350 | 150 | 200 | | "Ўзсаноаткурилиш банк" АТБ | 01.11.2018 | 5 |
| 43 | "Усмон фарм" ХК | Техник хизмат кўрсатишни ташкил этиш | 120 | 40 | 80 | | "Халк банки" АТБ | 01.08.2018 | 10 |
| 44 | "Жийдазор Файз" МЧЖ | Аҳолига газ куйиш шохобчасини ташкил этиш | 450 | 150 | 300 | | "Халк банки" АТБ | 01.12.2018 | 5 |
| 45 | "Кушон Медикал Сервис" ХК | Тиббий диагностика марказини кенгайтириш | 150 | 50 | 100 | | "Ҳамкорбанк" АТБ | 01.12.2018 | 4 |
| 46 | "Файз текстил сервис" ХК | Сочик махсулотларини бўяш хизмати | 500 | 100 | 400 | | "Микрокредитбанк" АТБ | 01.12.2018 | 5 |
| **Жами:** | | | **23 230** | **19 185** | **4 045** | | | | **253** |

ҚҲММБ: 09/18/439/1342-сон
12.06.2018 й.

| Т/р | Лойиҳа ташаббускори | Лойиҳа йўналиши | Лойиҳанинг умумий қиймати, *млн.сўм* | шу жумладан, молиялаштириш манбаи | | | Хизмат кўрсатувчи банк | Ишга тушириш муддати | Яратиладиган иш ўрни |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | ўз маблағи | банк кредити | хорижий инвестиция *минг долл.* | | | |
| **III. ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ лойиҳалари** | | | | | | | | | |
| 1 | "Шамс турғун" МЧЖ | Паррандачилик хўжалигини кенгайтириш | 900 | 300 | 600 | | "Ўзсаноатқурилиш банк" АТБ | 01.08.2018 | 10 |
| 2 | "Жавохир парранда" ФХ | Паррандачилик хўжалигини кенгайтириш | 2 000 | 2 000 | | | "Агробанк" АТБ | 01.08.2018 | 15 |
| 3 | "Fortuna-rise" МЧЖ | Паррандачилик хўжалигини ташкил этиш | 2 000 | 1 000 | 1 000 | | "Асака банк" АТБ | 01.08.2018 | 20 |
| 4 | "Шафран дизайн" МЧЖ | Паррандачилик хўжалигини кенгайтириш | 200 | 200 | | | "Микрокредитбанк" АТБ | 01.09.2018 | 5 |
| 5 | "Осмон сайёраси" ФХ | Паррандачилик хўжалигини ташкил этиш | 1 500 | 1 500 | | | "Микрокредитбанк" АТБ | 01.09.2018 | 15 |
| 6 | "София соф текстил" МЧЖ | Музлатгичли омборхона ташкил этиш | 2 500 | 2 500 | | | Ўзмиллийбанк | 01.03.2019 | 5 |
| 7 | "Косонсой Агропшер" МЧЖ | Иссиқхона ташкил этиш | 1 000 | 1 000 | | | Ўзмиллийбанк | 01.10.2018 | 10 |
| 8 | "Шабнам парранда" МЧЖ | Паррандачилик хўжалигини ташкил этиш | 800 | 100 | 700 | | "Ўзсаноатқурилиш банк" АТБ | 01.08.2018 | 10 |
| 9 | "Косонсой бен бог" ФХ | Қорамолчилик хўжалигини ташкил этиш | 300 | 300 | | | Ўзмиллийбанк | 01.09.2018 | 10 |
| 10 | "Sunway Agro complex" ФХ | Паррандачилик хўжалигини ташкил этиш | 1 300 | 1 000 | 300 | | "Халқ банки" АТБ | 01.08.2018 | 5 |
| 11 | "Водий соф замини чорваси" ФХ | Наслли қорамолчилик хўжалигини ташкил қилиш | 1 800 | 400 | 1 400 | | "Халқ банки" АТБ | 01.08.2018 | 10 |
| 12 | "Косонсой олтин бошоқ" ФХ | Наслли қорамолчилик хўжалигини ташкил қилиш | 950 | 100 | 850 | | "Халқ банки" АТБ | 01.09.2018 | 15 |

ҚҲММБ: 09/18/439/1342-сон
12.06.2018 й.



| Т/р | Лойиха ташаббускори | Лойиха йўналиши | Лойиҳанинг умумий қиймати, *млн.сўм* | шу жумладан, молиялаштириш манбаи | | | Хизмат кўрсатувчи банк | Ишга тушириш муддати | Яратиладиган иш ўрни |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | ўз маблаги | банк кредити | хорижий инвестиция *минг долл.* | | | |
| 13 | "Эко парранда маҳсулот сервис" ФХ | Паррандачилик хўжалигини кенгайтириш | 1 500 | 1 000 | 500 | | "Алока банк" АТБ | 01.11.2018 | 5 |
| 14 | "Обод универсал мега сервис" МЧЖ | Музлатгичли омборхонани кенгатириш | 750 | 250 | 500 | | "Турон банк" АТБ | 01.09.2018 | 5 |
| 15 | "Кушон доннаш голд" МЧЖ | Паррандачилик хўжалигини ташкил этиш | 1 000 | 600 | 400 | | "Ўзсаноаткурилиш банк" АТБ | 01.10.2018 | 5 |
| 16 | "Golden egg Namangan" МЧЖ | Паррандачилик хўжалигини ташкил этиш (наслчилик) | 3 000 | 3 000 | | | "Ўзсаноаткурилиш банк" АТБ | 01.09.2018 | 10 |
| 17 | "Сойфун" МЧЖ | Паррандачилик хўжалигини ташкил этиш (гўшт) | 250 | 100 | 150 | | "Халк банки" АТБ | 01.08.2018 | 10 |
| 18 | "Уччинор барака савдо" МЧЖ | Қорамолчилик хўжалигини ташкил қилиш | 500 | 200 | 300 | | "Асака банк" АТБ | 01.09.2018 | 5 |
| 19 | "Косонсой ез ифори" ФХ | Қорамолчилик хўжалигини кенгайтириш | 400 | 100 | 300 | | "Асака банк" АТБ | 01.09.2018 | 5 |
| 20 | "Зайниддин хожи" ХК | Қишлок хўжалиги маҳсулотларини кайта ишлаш | 1 100 | 500 | 600 | | "Асака банк" АТБ | 01.08.2018 | 5 |
| **Жами:** | | | **23 750** | **16 150** | **7 600** | | | | **180** |

ҚҲММБ: 09/18/439/1342-сон
12.06.2018 й.

Вазирлар Маҳкамасининг
2018 йил "11" июндаги 439-сон қарорига
2-илова

**Наманган вилоятининг Косонсой туманида 2018-2019 йилларда туризмни жадал ривожлантириш ва инфратузилма объектларини барпо этиш лойиҳаларининг**
**МАНЗИЛЛИ РЎЙХАТИ**

| Т/р | Лойиҳа номи | Амалга ошириш механизми | Амалга ошириш муддати | Талаб этиладиган маблағ (млн.сўм) | Молиялаштириш (млн.сўм) | | | Молиялаштириш манбаси | Яратиладиган иш ўрни | Масъул ижрочилар |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | Ташаббускорлар маблағлари | Банк кредити | Республика ва маҳаллий бюджет маблағлари | | | |
| **ЖАМИ:** | | | x | **8 000** | **4 900** | **3 100** | | x | 763 | x |
| 1 | Косонсой шаҳрида 100 ўринга мўлжалланган меҳмонхона қуриш | Ер ажратиш; лойиҳа-смета ҳужжатларини тайёрлаш; кредит ажратиш | 2018-2019 йиллар | 3 000 | 2 500 | 500 | | "Қишлоқ қурилиш банк" АТБ | 15 | Наманган вилояти ҳокимлиги, Қишлоқ қурилиш банк, Лойиҳа ташаббускорлари |
| 2 | Косонсой шаҳрида дам олиш зонасини ташкил этиш | Лойиҳа-смета ҳужжатларини тайёрлаш | 2018 йил | 250 | 250 | | | "Халқ банки" АТБ | 10 | Наманган вилояти ҳокимлиги, Лойиҳа ташаббускорлари |
| 3 | Туман ҳудудида замонавий дам олиш зонасини ташкил этиш | Ер ажратиш; лойиҳа-смета ҳужжатларини тайёрлаш; кредит ажратиш | 2018-2019 йиллар | 2 750 | 1 750 | 1 000 | | "Ўзсаноатқурилиш банк" АТБ | 20 | Наманган вилояти ҳокимлиги, "Ўзсаноатқурилиш банк" Лойиҳа ташаббускорлари |
| 4 | Туристик фирмаларни ташкил этиш | Туризм соҳасида тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш истагидаги шахсларни аниқлаш; Тадбиркорлик фаолиятини лицензиялашда кўмаклашиш | 2018-2019 йиллар | | | | | Лойиҳа ташаббускорлари маблағлари ва хизмат кўрсатувчи банк кредитлари | 10 | Наманган вилояти ҳокимлиги, Савдо-саноат палатаси, Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси, Лойиҳа ташаббускорлари |
| 5 | Қуйидагиларни ўз ичига олувчи Экотуризм дам олиш марказини ташкил этиш:<br>- 2 та меҳмонхона,<br>- 2 та туристик база,<br>- 200 та кемпинг,<br>- 100 та бунгало,<br>- 1 та санаторий,<br>- 1 та бизнес маркази,<br>- 12 та мини маркет,<br>- 20 та "экспресс фото" пунктлари | Лойиҳа қурилиши учун ташаббускорлар рўйхатини аниқлаш ва тузиш; Ер ва кредит ажратиш; Намунавий лойиҳаларни ишлаб чиқиш | 2018-2019 йиллар | | | | | Лойиҳа ташаббускорлари маблағлари ва хизмат кўрсатувчи банк кредитлари | 700 | Наманган вилояти ҳокимлиги, Савдо-саноат палатаси, "Давергеодезкадастр" қўмитаси, Қурилиш вазирлиги, Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси, Тижорат банклари, Лойиҳа ташаббускорлари |

ҚҲММБ: 09/18/439/1342-сон
12.06.2018 й.



| Т/р | Лойиҳа номи | Амалга ошириш механизми | Амалга ошириш муддати | Талаб этиладиган маблағ (млн.сўм) | Молиялаштириш (млн.сўм) | | | Молиялаштириш манбаси | Яратиладиган иш ўрни | Масъул ижрочилар |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | Ташаббускорлар маблағлари | Банк кредити | Республика ва маҳаллий бюджет маблағлари | | | |
| 6 | Маҳаллий ва хорижий туристларни ташиш учун замонавий автобусларни сотиб олиш | Транспорт воситаларини ишлаб чиқарувчи маҳаллий ва хорижий корхоналар билан шартномалар тузишга кўмаклашиш; Кредитлар ажратиш | 2018-2020 йиллар | 2 000 | 400 | 1 600 | | Лойиҳа ташаббускорлари маблағлари ва хизмат кўрсатувчи банк кредитлари | 8 | Наманган вилояти ҳокимлиги, Тижорат банклари, Лойиҳа ташаббускорлар |
| 7 | Косонсой туманининг маданий ва тарихий объектларини туристик маршрутларга киритиш | Маданий ва тарихий объектлар тўғрисида маълумотлар тайёрлаш; Ўзбек, рус ва инглиз тилларида реклама буклетларини тайёрлаш | 2018 йил | | | | | Лойиҳа ташаббускорлари маблағлари ва хизмат кўрсатувчи банк кредитлари | | Наманган вилояти ҳокимлиги, Маданият вазирлиги, Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси |
| 8 | Миллий ҳунармандчилик маҳсулотларини сотишга ихтисослашган "Ҳунарманд" савдо марказини ташкил этиш | Лойиҳа қурилиши учун ташаббускорлар рўйхатини аниқлаш ва тузиш; Ер ажратиш, лойиҳа-смета ҳужжатларини тайёрлаш, кредит ажратиш | 2018-2019 йиллар | Лойиҳа ҳужжатига кўра | | | | Лойиҳа ташаббускорлари маблағлари ва хизмат кўрсатувчи банк кредитлари | 10 | Наманган вилояти ҳокимлиги, "Ҳунарманд" уюшмаси тижорат банклари, ташаббускор ва ҳунармандлар |
| 9 | Гастрономик туризмни ривожлантириш мақсадида чет эллик туристлар учун "Миллий таомлар" танловларини уюштириш | Ҳудудий ошпазлар уюшмасини ташкил этиш; "Миллий таомлар" танловини ўтказиш тартибини ишлаб чиқиш; ОАВда ёритиш ва тарғиб қилиш | Ҳар йили | | | | | Лойиҳа ташаббускорлари маблағлари ва хизмат кўрсатувчи банк кредитлари | | Наманган вилояти ҳокимлиги, Савдо-саноат-палатаси |
| 10 | Ички туризмни ривожлантириш мақсадида "Ўзбекистон бўйлаб саёҳат қил" лойиҳаси доирасида ҳудудда яшовчи 2000 нафар фуқарони республиканинг диққатга сазовор жойларига туристик сафарларини ташкил этиш | Туристик йўналишлар лойиҳасини ишлаб чиқиш; Туристик маршрутларни тарғиб қилиш; Ташкилот ва идоралар билан шартномалар тузиш; Туристик гуруҳларни тузиш | 2018-2019 йиллар | | | | | Ўз маблағлари | | Наманган вилояти ҳокимлиги, Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси |
| 11 | Туристик йўналишлар ва дам олиш зоналарида ёритадиган реклама баннерларини жойлаштириш | Реклама баннерлари эскизини тайёрлаш; Жойлашувини аниқлаш | 2018 йил | | | | | Лойиҳа ташаббускорлари маблағлари ва хизмат кўрсатувчи банк кредитлари | | Наманган вилояти ҳокимлиги, Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси, Лойиҳа ташаббускорлари |
| 12 | Косонсой туманининг туристик салоҳиятини маҳаллий ва хорижий ярмаркарларда, шунингдек Интернет тармоғида тарғиб қилиш | Ўзбек, рус ва инглиз тилларида реклама буклетларини тайёрлаш; Видеороликлар суратга олиш | 2018 йил | | | | | Лойиҳа ташаббускорлари маблағлари ва хизмат кўрсатувчи банк кредитлари | | Наманган вилояти ҳокимлиги, Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси |
| 13 | Косонсой туманидаги маъданий-тарихий объектларга бориш йўлларини ободонлаштириш ва қайта таъмирлаш | Туризм объектлари рўйхатини тузиш | 2018 йил | | | | | Ўз маблағлари | | Наманган вилояти ҳокимлиги, Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси Автомобиль йўллари давлат қўмитаси |

ҚҲММБ: 09/18/439/1342-сон
12.06.2018 й.

| Т/р | Лойиха номи | Амалга ошириш механизими | Амалга ошириш муддати | Талаб этиладиган маблағ (млн.сўм) | Молиялаштириш (млн.сўм) | | | Молиялаштириш манбаси | Яратиладиган иш ўрни | Масъул ижрочилар |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | Ташаббускорлар маблағлари | Банк кредити | Республика ва маҳаллий бюджет маблағлари | | | |
| 14 | "Косонсой" санаторийси ва қайтадан ташкил этилаётган "Косонсой сайёҳлар шаҳарчаси"ни боғловчи осма кўприк ва йўлларни қуриш бўйича таклиф ишлаб чиқиш | Ер ажратиш.<br>Тегишли идоралар билан келишиш | 2018-2019 йиллар | | | | | Ўз маблағлари | | Наманган вилояти ҳокимлиги, Автомобиль йўллари давлат қўмитаси.<br>Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси, Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, "Давергеодезкадастр" қўмитаси. |

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASI
UMUMIY BO'LIM № 3